TERRA INCOGNITA

ПЕТЕРБУРГ ХОТИРАЛАРИ

Тараддуд

Самолёт чиптасига қараб маҳаллий вақт билан 21.30ни кўриб негадир Петербургга уч соатда етиб бораман, деб ўйлаган эканман. Самолётга йўловчилар чиқиб бўлгандан кейин радиодан учиш вақти тўрт соату эллик дақиқа деганида ҳайрон бўлиб, яна қўлимдаги чиптага қарадим. У борадиган манзилнинг маҳаллий вақти экан.

Хуллас, беш соат деганда самолёт Санкт-Петербург шаҳрининг Пулково халқаро аэропортига келиб қўнди. Паспорт назоратидан ўтиш унча кўп вақт олмади. Юкимни олиб ташқарига чиқдим. Одамлар орасида менинг исми шарифим ёзилган қоғозни кўтариб, Санкт-Петербург давлат университети илмий-методик ишлар бошқармаси ходими Александр Марченко турарди. Ўзаро электрон ёзишмалар орқали таниш бўлиб қолган бу йигитни бунчалик ёш деб ўйламагандим. Уни биринчи марта кўрган одам талаба бўлса керак, деб ўйлайди. Ваҳоланки, у аспирантурани тамомлаб, университетда ишга қолган ёш мутахассис экан.

Мен турадиган ётоқхона Капитанская кўчасида жойлашган бўлиб, таксида Фин кўрфази бўйлаб кетган катта магистралдан юрса, ярим соатлик йўл экан. Соҳил бўйлаб катта трассада учиб бораётган таксидан шаҳарни кузатаман. “Осмон остидаги музей” номини олган Петербургнинг гўзал манзараси бир зумда ўзига ошно қилди. Манзилга қандай етиб келганимни билмай қолдим. Ташқарида шамол эсиб турганлиги боис, ҳаво анча салқин эди.

Ётоқхонага етиб келиб менга ажратилган хонага жойлашдим. Хонам 12 қаватли бинонинг 10-қаватида эди. Александр эрталаб соат 9.00да учрашишга келишиб, хайрлашди. Эрталаб белгиланган вақтда пастга тушаётсам, лифт олдида ўзбек қизни учратиб қолдим. Ҳамюртимни кўрганимдан, хурсанд бўлиб кетдим. Наманганликман, деб ўзини таништирган бу қиз мана шу ётоқхонада фаррош бўлиб ишлар экан. Пастда Александр кутиб турарди. У менга йўл-йўлакай университетдан ётоқхонага қандай келишни тушунтириб кетди. Биз 47-рақамли автобусга чиқдик.

Режага мувофиқ Санкт-Петербург давлат университети Олий журналистика мактаби ва оммавий коммуникация институтига бордик. Хужжатларни расмийлаштиришнинг ортиқча даҳмазаси кўп экан. Миграция

рухсатномасини олиш, ётоқхонага тўлов қилиш, кутубхонага аъзо бўлиш каби ишлар билан куннинг биринчи ярми ўтди. Орада Нева дарёси бўйлаб пиёда сайр қилиб келдик.

Тушдан кейин менга етакчи сифатида бириктирилган профессор Галина Мельник билан учрашдим.

Галина Мельник асли ўзбекистонлик бўлиб, Тошкент давлат университети журналистика факультетини тамомлаган. Санкт-Петербург давлат университетининг рақамли журналистика ва оммавий коммуникация кафедрасида ишлайди. Соҳага оид бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи, тажрибали мутахассис Галина Мельник билан тез тил топишдик. Аввал режа бўйича ишладик. Менга қандай адабиётларни кўриб чиқишни, қайси журналларга мақола ёзишим мумкинлигини обдон тушунтирди. Сўнг институт кафедраларига олиб кириб, ҳамкасб ўқитувчилар билан таништирди. Биргаликда магистрларнинг диплом иши ҳимоясида қатнашдик. Белгиланган ишларимизни тугатгандан сўнг, ётоқхонага қайтдим. Ўша кайфият билан ишлашга ўтириб, соатга қарамабман. Бунинг устига Петерда ойдин оқшомлар бошланган эмасми, ҳали вақт эрта деб қарасам, соат кечги ўндан ошибди. Санкт-Петербургдаги биринчи кун жуда самарали ўтди. Олдинда ҳали қилишим керак бўлган қанча ишлар ва кўришим керак бўлган қанча жойлар турибди. Оқшомлари ойдин шаҳарда янги ҳаёт, янги фаолият, янги таассуротлар кутяпти. Энди дам олиш керак.

Ниятда гап кўп экан...

Бир кун келиб, Санкт-Петербург давлат университетида стажировка ўтайман, деб ўйламагандим. Бу ҳам Яратганнинг иродаси, фақат бунга

“Истеъдод” жамғармасини сабабчи қилиб қўйди. Дарвоқе, стажировканинг барча харажатларини жамғарма молиялаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5121-сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб “Истеъдод” жамғармаси томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва магистратура ва PhD дастурлари асосида таълим олишга юбориш бўйича ўтказилган танловда ЎзДЖТУ журналистика факультетидан икки киши – Аъзамжон ва мен қатнашдик. Ўзи ҳам танлов ўтган йилнинг февралида эълон қилинган эди. Аввал университет босқичидан ўтдик, кейин республика босқичи бўлди. Ўтган йилнинг октябрь ойида “Истеъдод” жамғармасининг ўзида бўлган босқич – суҳбат эди. Узоқ савол-жавоблардан сўнг, мутахассислардан бири “Нима учун Россияни танладингиз, бошқа узоқроқ давлатга борсангиз бўлмайдими?” – деб сўради. Мен: “Нима бўлибди, Россияни танланган бўлсам, олий таълимда улардан ўрганидаганларимиз ҳали кўп”, – деб жавоб бергандим. Аслида ҳам шундай. Журналистика бўйича Америка, Хитой, Ҳиндистон, Туркия давлатларининг олий таълим тизими билан танишдим. Шу сабабдан бу галги малака оширишимни биз ҳанузгача энг кўп мурожаат қиладиган Россия журналистикасининг бешиги, ўзининг қадимий ва мумтоз анъаналарига эга Санкт-Петербург университетида ўташни ният қилдим. Аммо бу шунчаки ният эди, холос. Чунки университет олимларининг журналистика соҳасидаги китоблари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўқиб, фойдаланган бўлсамда, ўзларини танимасдим. Фақат ҳозирда менга илмий маслаҳатчи этиб тайинланган профессор Галина Мельник бундан тўрт йил илгари факультетимизга келиб маъруза ўқиганида бир маротаба кўрган эдим. Унда ҳам гаплашишга имкон бўлмаган эди. Бу ниятни амалга оширишга танловда ғолиб бўлганимдан кейингина киришдим. Менга факультетимиз декани, Санкт-Петербург университетида аспирантурани ўқиган Алишер Матёқубов ёрдамлашиб, университет билан алоқа ўрнатиб берди. Унинг ёрдами билан Олий журналистика мактаби ва оммавий коммуникация институтининг илмий-методик ишлар бўйича менежери Александр Марченко билан ёзишиб, менинг стажировка ўташим бўйича “Истеъдод” ва Санкт-Петербург давлат университети ўртасида шартнома имзоланишига эришдик.

Хуллас, жамғарманинг кўмагида журналистика соҳасида узоқ йиллардан бери узилиб қолган Санкт-Петербург давлат университети билан

малака ошириш ва стажировка ўташ бўйича ҳамкорликни бошлаб бердим. Энди бошқалар ҳам келишлари мумкин.

Ватанпарварликми бу ёки...

Меҳмонга қуруқ қўл билан бормаслик халқимизга хос фазилат. Шу халқнинг фарзанди сифатида у менга ҳам тегишли. Бу ерга келишдан олдин

Бувайдага онамни кўргани борганда, довондан атайин олиб кетишга деб патир, ҳолва харид қилдим. Ёз неъматлари деб, ўрик, олма, гилос ҳам олдим. Мени кутиб олган Александр Марченко жуда ажойиб йигит экан. Мактабларда энг аълочи, аммо содда, камсуқум болалар бўладику, ўшандайлар тоифасидан. Ўзи Волгаграддан Петерга ўқишга келиб, аспирантурада қолган. Уни тамомлагану ҳали ҳимоя қилганича йўқ. Арзимаган маошга ишласа ҳам, тийинини тийинига уриштириб, пулини иқтисод қилади. Чунки ёш бўлишига қарамай, оиласи, икки нафар ёш фарзанди бор. Кунига бир марта, унда ҳам кечқурун овқатланади. Таклиф қилсангиз ҳам ниманидир баҳона қилиб бормайди. Ҳозирги даврнинг уддабурон ва учар ёшларидан фарқли ўларок содда ва камсуқум бу йигитнинг кўнгли жуда тоза. Одамларга қўлидан келганича яхшилик қилишга, ёрдам беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун мен унга Ўзбекистондан олиб келган нарсаларимдан илиндим.

У хурсанд бўлиб олиб кетди.

Эртасига бериб юборган нарсалар учун хотини ва болалари жуда қувонганлари ва менга раҳмат деб юборганларини айтди. Мен “Қандай, ўзбекча патир, мевалар ёқдими?” – деб сўрадим. “Яхши, мазали. Аммо мен барибир ўзимизнинг нонни афзал кўраман”, – деди. Сабабини сўрасам, “Тўғри, сизларнинг нонингиз олий навли ундан қилинган, биз сал бошқачароқ буғдой нонини еймиз, умуман мен фақат Россиянинг маҳсулотларини олгим келади, ҳатто тамакини ҳам. Чунки чет эл компанияларининг рухсатномаси учун давлатимиз катта пул тўлайди. Мен ўзимизнинг маҳсулотни олсам, шу пул ташқарига чиқиб кетмаслигига ҳисса қўшган бўламан. Балки менга ўхшаганларнинг арзимаган харидларидан тушган пул Қримга, Донбассга ёки Сибирда табиий офатдан зарар кўрган

фуқароларга сарфланиши мумкин. Тўғри, у жуда кам. Аммо барибир мен ўзимизникини олишга ҳаракат қиламан”, – деди.

Ҳайрон қолдим. Қаршимда турган, унчалик кўзга ташланмайдиган, ўзи кўп нарсага муҳтож йигитнинг юрагида қайси туйғу устун: миллатчиликми ёки ватанпарварлик? Негадир иккинчиси устун бўлишига ишонгим келди…

Достоевскийни эслаб...

Санкт-Петербургга келганимнинг учинчи куни. Келганимдан бери хаво тунд. Бугун куни билан эзиб ёмғир ёғди. Ҳаво этни жунжиктирдиган даражада совуқ. Эрталаб 47-автобусда Капитанская кўчасидан Кадетский кўчасига университетнинг Олий журналистика мактаби ва оммавий коммуникация институтига қараб йўлга чиқдим. Бу журналистика факультетининг янги номи. Автобус ойнасидан шаҳарни, ҳар томонга шошиб кетаётган одамларни кузатаман. Ташқарида ёмғир ёғаётгани учун ҳамма нарса кулранг бўлиб кўринарди, менга. Негадир хаёлимда Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”си ва унинг қаҳрамонлари айланаверди. Балки ёмғирли кўчаларни кузатганим учундир. Балки шаҳарнинг Василёвский ороли деб аталувчи қисмидаги уйларни Достоевский тасвирлаган уйларга ўхшатганим учундир.

Хуллас, хаёлимда кўҳна ва навқирон шаҳар, извош отларининг туёқ овозлари эшитилиб турадиган, киборлар ва йўқсиллар орасида улкан тафовут ҳукм сурувчи қаҳри қаттиқ шаҳар гавдаланади.

Петербургнинг мен яшайдиган Василёвский оролида кўчаларнинг номларига линия, яъни, чизиқ рақамлари қўшиб айтилади. Масалан, факультет жойлашган манзил Кадет биринчи линияси деб аталади. Пётр I ўз даврида шаҳарда жуда кўп каналлар қаздирган экан. Лекин бу каналлар унинг қизи Екатерина даврида кўмилиб кетиб, фақат излари қолган. Чизиқ ўша изларга нисбатан ишлатилади. Василивский ороли деб аталувчи мавзе линиясидаги кўчаларнинг барчаси Нева дарёсига олиб чиқади. Шунингдек, мен борадиган 1-линиядаги Кадетский кўчаси хам.

Шундай хаёлларга берилиб факультетга етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Кутубхонага тушиб кетаётсам, “Агар хоҳласангиз, шу ерда ишлашингиз мумкин. Барибир электрон ресурсларни кўрсангиз, интернет шу ерда ҳам бор”, – деб қолди Александр. Бу таклиф менга маъқул бўлди. Энди берилиб ишлаётгандим Александр мени институт директори, яъни факультет декани Анатолий Степанович Пую кутаётганини айтди. Директор қабулхонасида қаҳванинг хушбўй ҳиди анқиб турарди. Анатолий Степанович кўринишидан оқ-сариқ, бўйи унчалик баланд бўлмасада, чиниққан, ўрта ёшлардаги қувноқ киши экан. У мен билан эски қадрдонлардай самимий сўрашди. Ўн дақиқалик суҳбат давомида ҳазил-мутойиба билан бояги тунд кайфиятимни тарқатиб юборди. Нима ёрдам керак бўлса, тортинмасдан сўрашимни тайинлаб, мен билан хайрлашди. Хонага чиқиб шу ўтирганимча иш вақти тугагунча ишладим. Александрга қўшилиб мен ҳам тушлик қилмадим. Ўзи оч қолмадим ҳам. Соат олти яримларда чарчаганимни ҳис қилиб ишни тўхтатдим. Хайрлашиб, кўчага чиқдим. Бекатда 47-автобус энди қўзғалаётган экан. Ҳайтовур улгурдим. Ёмғир тиниб, ҳар замонда қуёш сийдам булутлар орасидан бир мўралаб қўярди...

Катта шаҳарларда ҳам кичик хавотирлар бўлиб туради

Петербург ҳаётига анча мослашиб қолдим. Кун тартибимда университетга бориб келишдан бошқа ўзгариш бўлгани йўқ эди. Келганимнинг биринчи кунида Фейсбукда собиқ талабаларим Саидазиз билан Бобуршоҳнинг Питерда тушган расмларини кўриб қолиб, дарров Саидазизга Бобурнинг телефонини сўраб ёздим. Ўша заҳоти жавоб бўлмагач, кейинги икки кун у ҳақида эсламабман. Кеча тушдан кейин яна бир собиқ талабам Нуралидан келган хабарда Бобурнинг телефони бор эди. Дарров телефон қилдим, жавоб бўлмади. Илмий мақола ёзиш билан андармон бўлиб, унутибман. Соат бешга яқин Бобурнинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди. Ҳол-аҳволдан кейин, қандай хизмат борлигини сўради. Мен кийим-кечак дўкони

бўлса, эгнимга иссиқрок нарса олмоқчилигимни айтдим. Унинг ишхонаси олдида катта дўкон бор экан. Айни муддао бўлди. Мусофир жойда танишинг бўлса, яхшида. Аммо Бобур ишдан кечроқ чиқар экан. Шунинг учун қўнғироқ қилиб, ҳозир жияни мени ўша ерга олиб боришини, унгача совқотиб қолмаслик учун факультетнинг ичида кутишимни тайинлади. Хўп, деб кута бошладим. Кўп ўтмай, жияни телефон килиб, қаерда турганимни сўради. Билганимча тушунтирдим. Лекин ундан дарак бўлавермади. Кейин Бобур яна телефон қилиб менга такси юборганини айтди. Такси мени ўн беш дақиқада унинг ишхонасига олиб борди. Бобур билан кўришдик. Кафеда ишлар экан. Бироз суҳбатлашдик, иш вақти тугашига икки соатча борлиги учун унга халақит бергим келмади. У мени дўконга кузатиб қўйди.

Аёл киши дўконга кирса, вақтнинг қандай ўтишини эсдан чиқаради. Шубҳасиз, қатори мен ҳам. Бу дўконнинг эгаси тожик, ҳамма сотувчилари ўзбеклар эканлигини кўриб ҳайрон қолдим. Ўзаро суҳбатларидан хоразмликлар эканини тушуниб, хоразмлик дугонамнинг гапи эсимга тушди. Аввал оёқ кийимлар бўлимидан кроссовка олдим. Кейин устимга плашсифат нарса олгунимча, Бобур ҳам ишини тугатиб келди. Соат тўққиздан ошганди. У шаҳарни томоша қилдирмоқчи бўлди. Кечга қолиб кетишимни, яхшиси бошқа куни хотиржам айланишимизни, ҳозир эса бекатгача – Спортивний метро станцияси ёнидаги кўчага, 47-автобусга кузатиб қўйишини сўрадим. Ўша станциягача метрода кетдик.

Келганимдан бери биринчи марта метрога тушдим. Унинг бунчалик чуқурлигини кўриб, очиғи қўрқиб кетдим. Камида 300-350 метр пастга тушдик. Бобур биз тушган Чкалов станцияси Нева дарёсининг тагидан ўтганлигини айтганда, тасаввур қилиб, баттар қўрқдим. Одам боласи нималарга қодир-ей, Неванинг ёнида турсангиз, катталигидан ҳайратланасиз, унинг остидан метро ўтганлигининг ўзи – мўъжиза. Нафақат пастга тушишда, станциянинг ичида ҳам эскалатор юради. Унда йўловчиларнинг юриш қоидалари бўлиб, эскалатордан кетаётганлар чап томонни банд қилмасликлари зарур. Чунки шошаётганлар ҳаракатдаги эскалаторда ҳам тез юришлари мумкин. Спортивный станциясидан уч-тўрт кун ичида қадрдон бўлиб қолган 1-линия Кадетская кўчасига чиқдик. Бобур “Бирор жойга кириб, ҳеч бўлмаса бир пиёла чой ичиб, тамадди қилайлик, устоз”, – деди. Унинг раъйини қайтаргим келмади. Шундай ёнгинамизда турган қаҳвахонага кирдик. Овқат устида анча суҳбатлашдик. У ердан чиққанимизда соат ўн бирга яқинлашиб қолганди. Бекатга келсак, охирги автобус кетиб қолибди. Петербургда Тошкентдаги каби қўл кўтарсангиз, ўнта машина тўхтамас экан,

таксига телефон орқали буюртма бериларкан. Бобурнинг телефони ўчиб қолиб, меникидан буюртма берди. Диспетчернинг “Кутиб туринг, 297 рақамли оқ Рено машинаси боради”, – деган овози менга ҳам эшитилди. Ўн минутдан кейин такси ҳайдовчиси телефон қилиб, қаерда турганимизни сўради. Ўн минутдан кейин яна сўради. У кўчанинг қарама-қарши томонида турган экан, узоқдан чироғини ўчириб-ёқди. Агар Тошкентда бўлганда биз йўлни кесиб ўтиб, таксига чиқиб олардик. Бу ерда кўчанинг хоҳлаган жойидан кесиб ўтиб бўлмасди. Фақат пиёдалар йўлагидан ўтиш мумкин эди. Йўлнинг у тарафига ўтишимиз учун кўчанинг бошигача боришга тўғри келарди. Такси ҳайдовчиси бизни кўрди, ҳозир қайрилиб келади деб туравердик. Орадаги яна ўн минут ўтса ҳамки, ундан дарак йўқ. Шу пайт келиб қолган 6-рақамли автобуснинг Приморский метро станциясига боришини кўриб, чиқиб олдик. Қарасак, у бошқа томонга кетяпти. Адашдик. Бобур яна менинг телефонимдан таксига буюртма бера бошлади. “Уч-тўрт бекат юрайликчи, кейин кўрамиз”, – дедим мен. Соат 12 га яқинлашиб, кун қорая бошлаганди. Ичимда хавотир пайдо бўлди. Йўқ беш-олти бекатдан кейин автобус менга таниш бўлиб қолган кўчага қайрилди. “Бўлди танидим, буёғига қандай кетишни биламан”, – дедим сал хотиржам бўлиб. Бобур эса ҳамон такси ҳайдовчисига қаерда турганимизни тушунтирарди. Автобусдан тушсак, бекатда 7-автобус турибди. У мен яшайдиган ётоқхонанинг олдидан ўтганини кўргандим. Югуриб чиқиб олдик. Икки бекатдан кейин манзилга етиб келдик. Бобур ўша Приморский метро бекати томонда яшар экан. У билан хайрлашиб, хонага кирганимда соат 12.30 бўлганди. Ётоқхонага етиб келишга келиб олдим, аммо такси ҳайдовчиси тинмай қўнғирок қиларди. Мен манзилга етиб келганимни айтсам ҳам, яна икки-уч марта қўнғироқ қилди...

Хуллас, баъзан катта шаҳарларда ҳам ана шундай кичкина хавотирлар бўлиб турар экан.

Фин кўрфази бўйлаб...

Мен яшаётган жойни Фин кўрфазидан катта магистраль кўча ажратиб турарди. Келганимдан бери кўрфазни хонамнинг балконидан томоша қилардим. Бугун факультетдан келгандан кейин у ерга боришга қарор килдим. Аммо йўлнинг у томонига қаердан ўтишни билмасдим. Йўлак бўйлаб кетавердим. Қарасам, беш юз метрлар чамаси нарида магистраль йўлнинг устидан кўприк ўтган экан. Одамлар соҳил томондан келишяпти. Ўша ёққа қараб юрдим. Кўприкнинг устида магистраль йўлни томоша қилиб турдим. Бу ердаги аҳоли уни пуллик йўл, дейишади. Биз ҳам аэропортдан

келишда пул тўлагандик. Унинг фонида ўзимни ўзим суратга олаётсам, орқамдан келаётган аёл, “Келинг, мен олиб қўяман, селфи деганларини ёқтирмайман, одам ўзига ўзи ўхшамайди”, – деб қолди. Телефонимни аёлга бердим. Мени суратга олди. Кейин мен уни. Аёл билан шу тариқа танишдик. Кўзи кулиб турадиган, истараси иссиқ бу аёлнинг исми Ирина бўлиб, мендан икки ёш катта экан. Курскдан холасиникига мехмонга келибди. Соҳил бўйлаб бирга сайр қилдик.

Ирина ҳам ўқитувчи экан. Фақат у мактабда ишларкан. “Аввал бошланғич синфларга дарс бердим. Кейин ўн йил мактабга директорлик қилдим. Дефектология-психология бўйича қайта тайёрлашдан ўтиб ҳозир ақлий ривожланиши суст болаларга дарс беряпман”, – деди у ўзини яқинроқ таништириб. Ирина билан бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Мен ўзимга шерик топилгандан хурсанд эдим. У билан соҳил бўйлаб суҳбатлашиб, узоқ сайр килдик. Бу орада ўғли ҳам шу шаҳарда яшаши, катта клиникада жарроҳ-онколог бўлиб ишлаши, унга Курскда саратонга шубҳа бор деб ташхис қўйишгани, бугун барча текширувлардан ўтиб, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини айтишгани, унгача хаёлидан нималар ўтгани ҳақида гапириб берди. Ирина тўлиб-тошиб гапирарди. Мен берилиб тинглардим. Ҳатто ҳавонинг совуқлиги, тўлқинларнинг шовуллаши, ёмғир аралаш шамолга ҳам

парво қилмай гапирарди. Ёмғир тезлаша бошлаганда ортга қайтдик. Кўпқаватли уйлар олдидан ўтаётганимизда кичкина кўримсизгина пиццахонани кўриб қолдик. Пиццахона кичкина бўлсада жуда шинам ва дид билан безатилганди. Бу ерда пицца нафакат италян рецепти бўйича, балки

шахсан италиялик ошпаз томонидан тайёрланар экан. Ирина билан суҳбатимиз пиццахўрлик устида давом этди. У ўз ишининг ҳақиқий фидойиси эди. Суҳбат чоғида мактабдаги ишлари, ақлий ривожланиши суст бўлган болаларга дарс беришнинг машаққатлари ҳақида гапирарди. Унинг ҳикоялари, касбий, ҳаётий тажрибалари мени қизиқтириб қўйганди. Ҳамма гапларини эслаб колиш учун диктофонга ёзиб олдим. Келгусида ёзилажак мақолаларимдан бирига уни қаҳрамон қилишни дилимга тугиб қўйдим. Яхши одамларнинг борлиги ҳаётга гўзаллик ва мазмун бахш этади.

Россияда барча йўллар Москвага олиб боради(ми)...

Француз масалчиси Жан Лафонтен хизмати билан афоризмга айланган “барча йўллар Римга олиб боради” иборасини бугун Россияда бўлиб турганимда, унинг пойтахти – Москвага нисбатан қўллагим келди. Чунки Россияга келишни орзу қилган борки, албатта бу қадимий шаҳарни, навқирон, айни ривожланиш палласидаги мегополисни кўришни истайди. Ўшандайларнинг қаторида мен ҳам борман.

Мактабда, юқори синфдалигимда Москва давлат университетида ўқишни орзу қилардим. “Қаерга ўқишга кирмоқчисан?” – деб сўрашса, гарчанд рус тилини у қадар яхши билмасамда, МДУга дердим. Орзуим ушалмаган бўлса ҳам, Яратган ниятимга яраша имконият берди. ТошДУ журналистика факультетида ўқиётганимда 2-курсни тамомлаш арафасида факультетимиз декани Феликс Петрович Нестеренко (раҳматли, жуда яхши инсон эдилар) чақириб, “МДУга юборсак, ўқийсанми?” – деб қолдилар. Мен ота-онамдан сўраб кўришимни айтдим. Ўша пайтда СССР деган “буюк империя” дарз кетаётган, иттифоқдош республикаларда миллий мустақиллик ҳаракатлари бошланган давр эди. Ўзбекистонда ҳам этник низолар чиқиб, ҳали Қувасой, ҳали Қўқон, ҳали Бўкада тўполонлари бўлиб турганди. Шунинг учун отам, “қизим, замон нотинч, ўқишингни эсон-омон Тошкентда битириб олсанг ҳам катта гап, сени Москвага юбориб, бувинг билан игнани устида ўтирмайлик”, – деб рўйхушлик бермагандилар. Шундан кейин Москвада ўқиш ҳақида ўйламай қўйдим. Аммо МДУда таҳсил олган ҳамкасбларим – Карим Баҳриев, Акбар Нурматов, Муҳаммаднозим Мавлонов, Ирода Исмоилова, Наргис Қосимова, Махпура Ортиқоваларга чин дилдан ҳавас қиламан.

Иккинчи курсда ўқиётганимизда қишки таътилда факультетдан бир гуруҳ талабаларни Москва ва Ленинградга саёҳатга олиб борадиган бўлишди. Моддий жиҳатдан қийналиб турганим учун боролмагандим.

Петербургга малака оширишга келганимга бир ҳафта бўлганида факультетда 12-июнь Россия куни бўлганлиги муносабати билан уч кун дам экан. Нима қилишни ўйлаб турсам, илмий бўлимдаги Александр, “сизга Москвага бориб келиш учун яхши имконият, менимча, жаҳон чемпионати бошлангунга қадар бориб келсангиз, яхши бўлади”, – деб қолди. Менга ўзи шу гап керак эди. Шанба куни кечки пайт факультетдан чиқиб, тўғри вокзалга бордим. Поездга чипта олиш учун навбатда турдим. Шу пайт опам хабар жўнатиб, Питерда ишлайдиган ҳамқишлоғим Хажалойнинг телефон рақамини юборибди. Ҳар эҳтимолга қарши телефон қилиб кўрдим. Олди. Гаплашдик. Вокзалдалигимни айтгандим, бир зумда етиб келди. Соат 8ларда навбатга турган бўлсам 10гача ҳам галим келмади. Хажалойдан билет қанча туришини сўрадим. Тахминан 1700 рубль бўлишини айтди. Унча рублим йўқ эди. Пул алмаштириш шаҳобчаларини қидира бошладик. Маълумотхонадан қаерда пул алмаштириш мумкинлигини сўрасам, кўзимга қараб: “Не скажу, нам не положено это говорить”, – дейди. Ажабландим, тўғриси. Битта пул айрбошлаш шаҳобчасини топдик. У ҳам соат 9.00гача ишлар экан, 10 минут кеч қолибмиз. Аниқ Москвадан қолиб кетсам керак, деб тургандим, Хажалойнинг карточкасига ойлиги тушганлиги хақида смс-хабар келиб қолди. “Юринг опа, мен нақд пул ечиб, сизга алмаштириб бераман”, – деди. Пул муаммоси ҳал бўлганидан хурсанд бўлиб кетдим. Вокзалга кирсак, ҳалиям навбатим келмабди. Ниҳоят, 15 минут кам 11.00да поездга чипта олдим. Поезд 11.05 да жўнар экан. югурдик. Ҳар тугул улгурдик. Хажалой мени вагонгача кузатиб қўйди. Яхшиям шу ҳамқишлоғимнинг бўлганлиги, энг кийин дақиқаларда ёрдам берди. Шундай қилиб Москвага жўнадим. Йўлда у ерда яшайдиган дугонам Умидага бораётганлигим ҳақида хабар юбордим. Телефонимни қувватлантирадиган ускунани ётоқхонада унутиб қолдирганим учун телефонимни ўчирдим.

Поезддан эрталаб соат 7.00да Курск вокзалида тушдим. Вагондаги шерикларимнинг 4 ёшлар чамасидаги ўғли бор экан. Тавба, бунақанги инжиқ болани умримда биринчи марта кўришим. Ота-онаси, бувиси – уч киши бўлиб битта болани эплаша олмасди. Бола тинмай бақирар, ҳали сув ичаман, ҳали овқат ейман, ҳали тураман, ётаман, бораман деб бир лаҳза ҳам тинч турмасди. Ҳатто ухлаганда ҳам бақирар экан. Хуллас, умринг узоқ бўлгур шу боланинг шарофати билан кўз юммаганлигим учун бошим оғир эди. Поезддан тушиб, вокзалдаги қаҳвахоналарнинг бирига кириб қаҳва ичдим. Кейин телефонимни ёқдим. Бир минут ўтмасдан Умида телефон қилди. Кўришдик. Уйига бордик. Первомайский метро бекатига яқин Измаилова

деган жойда турар экан. Битта уч хонали квартирани қариндошлари билан ижарага олиб туришаркан.

Умида билан мактабдаги дугонамиз. Мен университетда ўқиганимда у Харьков педагогика институтида таҳсил олган. Мактабда рус тилидан дарс берар эди. Тақдир тақозоси билан Москвада ишлаяпти. Унинг уйида чой ичиб, анча сухбатлашдик. Кейин шаҳар айлангани чиқдик. Очиғи, Москванинг чиройли шаҳар эканлигини билардим, аммо бунчалик деб тасаввур қилмагандим. ВДНХ (Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазма мажмуаси), Қизил майдонни, Арбат кўчаси, Москва ситини кўриб, Москва дарёси қирғоқларида сайр қилдик.



Катта шаҳарларнинг машҳур кўчалари

Ҳар бир шаҳарнинг ҳамма биладиган, ҳамма борадиган мавзеси, кўчаси бўлади. Тошкентимизда Сайилгоҳ кўчаси, Истамбулда – Оқсарой, Нью-Йоркда – Бродвей, Питерда – Невский, Москвада – Арбатлар кўчаси. Бу кўчалар йилнинг қайси фаслида, куннинг қайси палласида бўлмасин ҳамиша одамлар билан гавжум. Шуларнинг қаторида Арбатларда ҳам.

Бу кўча менга жуда таниш. У ҳақида ёзувчиларнинг асарларидан ўқиганларим, кўрган киноларим, танишларим айтиб берган ҳикояларини эшитгандимда, кўз ўнгимда қадрдон бўлиб қолган жойлар, манзаралар гавдаланарди. Шундай пайтларда “Агар Москвага борсам, албатта Арбатлар кўчасига бораман”, – деб ният қилганман.

Москвага келган куним ўртоғим: “Қаерга борамиз?” – деб сўраганда, бормоқчи бўлган жойларнинг қаторида бу кўчани ҳам айтдим. Аввал Қизил Майдонга бордик. У ердан Москва Ситини томоша қилдик, Москва

дарёсининг устидан ўтган айланма кўприкда тушлик қилдик. “Энди Арбатлар кўчасига борамиз”, – дедим. Арбатлар метро бекатидан чиққач, қайси томонга юришни билмай тўхтаб қолдик. Одамлар оқимига қўшилиш кераклигини айтдим ўртоғимга. “Улар бошқа тарафга кетишаётган бўлсачи?” – деди у таклифимга ҳайрон бўлиб. “Шу оқимга қўшилайлик, ўзингиз кўрасиз”, – дедим. Айтганим тўғри чиққанини кўриб, ўртоғим: “Сиз Москвада биринчи марта бўлсангиз ҳам билар экансиз, шунча яшаб Арбатнинг бу қадар машҳурлигини билмасканман,” – деб қўйди. Ишонмадим, ижодга, сўзга, санъатга оз бўлса ҳам дахли бор одам борки, бу кўчанинг қийматини билиши аниқ эди…

Мана ўша машҳур Арбатлар кўчаси. У ҳақда кимлар ёзмаган, дейсиз. Ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, журналистлар, талабалар, оддий одамлар... Ким шу кўчага келган бўлса, ундан ўтган бўлса, албатта қаердадир қайд этишлари аниқ эди. Ҳеч бўлмаса, оғзаки айтган таассуротлари орқали бўлса ҳам. “Нега одамлар шунчалик интилишади, деб ўйлайсиз бу кўчага?” – сўради ўртоғим. “Менимча одамлар кўчага эмас, эркинликка интилишади...” – деб жавоб бердим.

Албатта ҳамма эркин: биров-бировга ҳисоб бермайди, ҳисоб сўрамайди. Ҳар ким хоҳлаганини қилади, хоҳлаганини гапиради. Ҳеч ким тақиқ қўймайди. Буни кўчанинг бошида қўшиқ айтаётган саросар санъаткорларга қараб ҳам ҳис қилса бўлади. Кимдир уларни тинглаяпти, кимдир бирга жўр бўлиб ашула айтяпти. Одамлар оқими катта бир издиҳомга кетаётгандай шу кўча томон юрарди.

Бу кўчада ҳар турли инсонни учратиш мумкин. Динидан, ирқидан, миллати, ранги рўйи, бой-камбағаллиги, келгинди ёки туб шаҳарлик, сайёҳ ёки йўловчилигидан қатьи назар бу ерда ҳамма тенг. Бу кўчанинг яна бир хусусияти унда ниманингдир яратилишида. Рассомлар янги тасвирларни, қиёфаларни қоғозга туширишади, шоирлар янги шеър ёзадилар, хонандалар янгича қўшиқ. Энг қизиғи, уларнинг кўпчилигини ҳеч ким танимайди. Ижодларининг махсус харидорлари ҳам йўқ. Ижод намуналари илк бор шу ерда туғилади. Одамлар оқими ичида кетаётганимизда нозиккина бир қиз кўчадан таъсирландими ёки бошқа нарсаданми, тўхтаб Анна Ахматованинг бир шеърини ёд айта бошлади. Одамлар тинглаётганини кўриб, унга изма-из Марина Цветаевани улади. Ким билсин, шу пайтда қизнинг хаёлидан нималар ўтганини. Сал нарироқда ҳаваскор актёр йигитлар сатирик миниатюра намойиш эта бошладилар. Бир зумда уларнинг атрофига ҳам одамлар йиғилди.

Бу кўчада шаҳарнинг бошқа кўчасида кўзингиз тушмаган турли концертлар, бир актёр театри, шеърият кечалари, ижодий учрашувларнинг афишаларига дуч келасиз. Кўчанинг икки томонида турли эсдалик совғалар сотиладиган дўконларда савдо қизғин, кимдир сотиш билан машғул, кимдир қилган харидидан мамнун.

Бу кўча китобсеварларнинг, сўз харидорларининг ҳам севимли маскани. Китоб дўконларидан ноёб китобларни арзон нархларга сотиб олиш мумкин. Мен ҳам иккита китоб харид қилдим. Кўча четларидаги қаҳвахоналарда кимдир чой, қаҳва, кимдир эса пиво ёки яхши вино олиб, ҳамроҳи билан суҳбатлашиб ўтирибди. Ҳамроҳи бўлмаганлар кўча ҳаётини кузатиб ўтиришади. Ҳатто баҳслашадиганлар ҳам бўлар экан. Китоб дўконидан китоб олгунча иккита адабиётга дахлдор одамнинг қандай баҳслашаёганини кўриб ҳайрон қолдим. Бири черкас, бири рус. Улар рус адабиётидан баҳслашишар эди. Аввалига бироз қулоқ солдим. Кейин вақтим етмаслигини ўйлаб улардан узоқлашдим.

Арбатлар кўчасида ўтмиш анъаналари билан замонавий қадриятлар учрашади, уйғунлашади. Ҳатто, бу кўчанинг меъморчилигида ҳам бу ҳолни кузатиш мумкин. Хуллас, одамларнинг бу кўчага ошиқишлари бежизга эмас. Ундан ҳар ким излаганини топади... Ким нима излашини эса ёлғиз ўзи билади. Кўча бўйлаб одимлар эканман, ҳаёлимдан шу ўйлар ўтди. Англаганим, бу кўча биз яшаётганимиз улкан ва узун Ҳаётнинг бир лавҳаси, кўзгусидир...

Давоми келгуси сонида.

Назира Тошпўлатова